



## РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШГА ЭРИШАМИЗ!

190-сонли Конвенцияни ратификация қилишни таъминлаш ва уни қоғоздаги матндан ҳаётга жорий қилишда касаба уюшмалари муҳим рол ўйнаши мумкин.

**Биз Конвенцияни ратификация қилиш ва унинг низомларини миллий қонунчиликка киритиш учун биргаликда ишлаб, эришимиз зарур.**

### КАСАБА УЮШМАЛАРИ НИМА ҚИЛА ОЛАДИ:

- ▶ Ўз аъзолари ва бутун жамиятни хабардор қилиш ва ўргатиш. Хар бир давлатда Конвенция ратификацияси учун фаол кампанияни олиб бориш.
- ▶ Меҳнат дунёсида зўравонлик ва шилқимликка қарши курашиш атрафида ходимларни бирлаштириш
- ▶ Бошқа касаба уюшмалари, миллий касаба уюшмалари марказлари, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари — айниқса, аёллар ҳуқуқлари учун курашаётган гуруҳлар билан альянс тузиш
- ▶ 190-сонли Конвенцияни ратификация қилиш учун курашиш!

### РУС ТИЛИДАГИ ҚЎШИМЧА МАТЕРИАЛЛАР:

**Турли хил материаллар:** тадқиқотлар, мақолалар, касаба уюшмаси деворий хабарномалар учун варақалар, плакатлар ва бошқалар. — «Гендер тенглик» мавзуси бўйича [www.IUF.ru](http://www.IUF.ru) сайтида мавжуд (саҳифанинг пастки қисмидаги қидирув менюсида танланг). Сиз QR-код орқали тез ўтишдан фойланишингиз мумкин.





МЕҲНАТ ДУНЁСИДА ЗЎРАВОНЛИК ВА ШИЛҚИМЛИКНИ  
ОЛДИНИ ОЛИШ ТЎҒРИСИДА **ХМТнинг**

# 190-КОНВЕНЦИЯСИ

**ҲАЁТИНГИЗНИ ЯХШИ ТОМОНГА ЎЗГАРТИРИШИ МУМКИН**

**Иш фаолияти билан боғлиқ зўравонлик ва шилқимлик билан деярли ҳар қандай жойда дуч келиш мумкин:** иш жойи ва тармоқда, ишга кетиш йўли ёки дам олиш ва овқатланиш хонасида, кийим алмаштириш ёки ҳожатхонада, корпоративда...

## **БИЗ БУНИ ТЎХТАТА ОЛАМИЗ!**

2019 йил июн ойида Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) иш дунёсида зўравонлик ва шилқимликни тугатиш йўлида қатъий қадам ташлади.

**190-сонли тарихий Конвенция** ва уни тўлдирувчи **206-сонли Тавсиялари қабул қилинди.**

**Улар барча ходимларни, уларнинг ҳолати ва бандлик шакли, ўқувчилар ва иш изловчилар, ишдан бўшаган ходимлар, кўнгиллиларни ҳимоя қилади.**

- ▶ **Гендер зўравонликда фокус:** бошқа жойларда бўлгани каби, меҳнат дунёсида ҳам аёллар тез-тез зўравонлик ва шилқимликнинг қурбони бўлишади.
- ▶ **Конвенция барча тармоқлар** — хусусий ва давлат, қишлоқ ва шаҳар ишчиларини, расмий ва норасмий иқтисодиётдаги ишчиларни қамраб олади.
- ▶ **У бутун «меҳнат дунёси» ни ўз ичига олади** — бу, иш жойидан анча кўпчиликни ташкил этади.
- ▶ **190-сонли конвенция ҳеч кимни «ортида» қолдирмайди**

## **НИМА УЧУН 190-сонли КОНВЕНЦИЯ ЖУДА МУҲИМ?**

- ▶ Дунёдаги шилқимлик ва зўравонликка бошқа кўз юмиб бўлмайди
- ▶ Ва биринчи марта, биз уларга чек қўйиш учун халқаро ҳуқуқий воситага эгамиз
- ▶ Биринчи марта ҳар бир инсон зўравонлик ва шилқимликдан озод бўлган дунёда ишлаш ҳуқуқига эга эканлиги эътироф этилади
- ▶ Конвенция миллий қонунчиликдаги мавжуд муаммоларни бар-тараф этишга ёрдам беради

# МУНОСАБАТНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИНИ РАВБАТЛАНТИРИШ

Биз ҳаммамиз — ҳукумат, иш берувчи ва ходимлар — ўзаро ҳурмат ва қадр-қимматга асосланган меҳнат маданиятини шакллантиришда ўз ўрнимизни кўрсатишимиз лозим.

- ▶ Конвенция меҳнат дунёсида камситиш ва тенгсизликка қарши курашнинг жиддий воситасидир
- ▶ Конвенция ҳукуматлардан **барча: аёллар, муҳожирлар, имконияти чекланган инсонлар, турли ирқдаги, этник келиб чиқиши, гендер тенглиги, жинсий ориентация, маҳаллий халқларга мансублиги ва бошқалар учун, бандлик ва меҳнатда камситишдан тенглик ва ҳимояланиш ҳуқуқини кафолатлайдиган қонунчиликни қабул қилишни талаб қилади...**
- ▶ Иш жойидаги хатарларни баҳолаш Конвенцияда таклиф этилган ёндашув ва гендер зўравонлик ва шилқимлик (жинс, маданий стереотиплар ва ижтимоий меъёрлар) эҳтимолини оширувчи омилларни эътиборга олиш билан амалга оширилиши керак
- ▶ Ва-биринчи маротаба! — **190-сонли Конвенция уйдаги зўравонликни бандлик ва меҳнатга, шунингдек ходимларнинг ҳавфсизлиги ва саломатилигига таъсир этувчи восита деб таърифлайди**

## ЗЎРАВОНЛИК ВА ШИЛҚИМЛИК НИМА?

- ▶ Зўравонлик ва шилқимлик — бу бир ёки бир неча марта содир бўлиши мумкин бўлган ва жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий зарар етказишга мўлжалланган (ёки бундай зарарнинг беҳосдан келиб чиқиши мумкин бўлган) хатти-ҳаракатлар, амалиётлар ва муносабат шакллариининг тўлиқ мажмуидир.
- ▶ Зўравонлик ва шилқимлик — бу, жисмоний ҳужумларнинг ўзи эмас. Бу жинсий тусдаги тегиниш, таъқиб, таҳдид, жумладан, аноним тусдаги — телефон ёки тармоқ орқали бўлиши мумкин
- ▶ Ресурс ёки турли хизматларга киришни рад этиш, эркинликка оид бошқа чеклашлар ҳам зўравонлик шакллариандир
- ▶ Таҳдид иш берувчилар, менежерлар, бошлиқлар, ҳамкасблар, шунингдек, етказиб берувчилар ёки мижозлар, ҳамда иш берувчининг қариндошлари ёки дўстлари каби бегона шахслардан келиши мумкин
- ▶ Зўравонлик аёл ва эркакларга таъсир кўрсатади, аммо аёллар бундан тез-тез изтироб чекишади
- ▶ «Гендер» зўравонлик деб қурбоннинг жинси унинг сабаби бўлишига айтилади
- ▶ Ҳаёти давомида хар учинчи аёл киши — иқтисодий ҳолатидан қатъий назар — ўз умри давомида камида бир марта зўравонлик таъсирига учрайди

# 190-СОНЛИ КОНВЕНЦИЯ ВА КАСАБА УЮШМАЛАРИ: БУ БИЗНИНГ ВОСИТАМИЗ, БИЗ УНИ ҚўЛЛАЙМИЗ!

## 190-сонли Конвенция:

- ▶ Зўравонлик ва шилқимлик масалалари (шу жумладан, уйдаги зўравонлик)ни меҳнат муҳофазаси ва ҳавфсизлиги соҳасига қўшишни талаб этади
- ▶ Иш берувчини касаба уюшмалари билан биргалиқда зўравонлик ва шилқимликни бартараф этиш ва олдини олиш бўйича сиёсатни ишлаб чиқишни юклайди
- ▶ Давлатларни касаба уюшмаларига меҳнат дунёсида зўравонлик ва шилқимликни олдини олиш масалалари бўйича ўқитишни ташкил этишда ресурсларни тақдим этиш, таъминлаш ва иш дунёсида зўравонликнинг олдини олиш бўйича таълим беришни ташкил этишни юклатади

Конвенция икки - ХМТга аъзо давлатлар уни ратификация қилганларидан 12 ой ўтгач кучга киради. Лекин касаба уюшмалари, бу муддатни кутиши шарт эмас: биз ўз аъзоларимиз тақдирини яхши томонга ўзгартириш учун ушбу воситани ҳозирданоқ қўллашимиз мумкин ва мажбуримиз.

190-сонли Конвенция касаба уюшмалари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар учун меҳнат дунёсида зўравонлик ва шилқимликка қарши курашиш учун кучли рағбатни таъминлайди.

## БИЗ БУ ИМКОНЯТДАН Фойдаланишимиз керак!

- ▶ Кампаниялар ва жамоа шартномалари орқали тенглик ва камситишдан ҳимоялашни олға суриш
- ▶ Касаба уюшма аъзоларига меҳнат дунёсида зўравонлик ва шилқимликни тушунтириш
- ▶ 190-сонли Конвенция ва унинг муҳимлиги тўғрисида касаба уюшма аъзоларига таърифлаб бериш: у хавфсиз иш шароитларини таъминлаш ва зўравонлик ва шилқимликнинг барча шакллари бартараф қилишга ёрдам бериш орқали, айниқса жинс билан боғлиқ миллионлаб тақдирларнинг ҳаётини яхши томонга ўзгартиришга ёрдам беради
- ▶ Жамоа шартномаларига Конвенция ва Тавсияда таклиф этилган бандларни қўшиш
- ▶ Иш берувчилар билан меҳнат муҳофазаси сиёсатида биринчи ўринда аёлларга нисбатан бўладиган зўравонлик ва шилқимликлардан ҳимояланишни киритишга эришиш орқали ҳамкорлик қилиш
- ▶ Меҳнат бозорига зўравонлик ва шилқимлик билан курашиш учун Конвенция ва Тавсияларга асосланган доиравий битимларни тузиш ишларини қўллаб-қувватлаш

ПДФ ШАКЛИДА  
190-СОНЛИ  
КОНВЕНЦИЯНИ  
ЮКЛАБ ОЛИШ



ПДФ ШАКЛИДА  
206-СОНЛИ  
ТАВСИЯНИ  
ЮКЛАБ ОЛИШ

